

**ДУО НУТҚИЙ ЖАНРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.****Хасанова Фотима Мамановна***Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,***Аҳмедова Дилором Улуғбековна***Қўрғонтепа туман Қорасув шаҳар, 54-умутаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси*

Халқнинг миллий мавжудлиги унинг тилида ҳам намоён бўлади. Тил маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, кадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади<sup>1</sup>. Тил миллат кўзгуси бўлиб, тилда халқнинг ўй-хаёллари, фикрлашлари ва кадр-қиммати ётади. Дуо нутқий жанрида қўлланилувчи лексик бирликлар ва жумлаларда, шу билан бирга, жумлалар ва гаплардан юқори бўлган бирликларда ўзбек дунёсининг лисоний манзараси кўринади. Масалан, *дуогўй* лексемаси ўзбек халқига хос тушунча бўлиб, ёши жиҳатдан катта, маълум турмуш тажрибасига эга бўлган, тақводор инсонларга нисбатан ишлатилади ва ушбу сўз шахс характерини кўрсатиб, у ҳақида ижобий хулоса беради. У инсоннинг ижобий фазилатларини сифатловчи луғавий бирликдир. Ушбу лингвокультурема халқ дунёқараши, ментал хусусиятларини акс эттиради. Шу жиҳатларига кўра *дуогўй* сўзи ўзбек халқининг диний эътиқодли, тақводор эканлигидан дарак берувчи сўз ҳисобланади. Дуо нутқий жанрининг ўзбек халқи хоҳ у таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, ёши улуғ инсонларнинг дуосини олиб юриш ўзбекларга хос одат сифатида ўзбек халқининг дуогўй халқ эканлигидан дарак беради.

Бир сўз билан айтганда, дуо нутқий жанри муайян диний эътиқодли халқларнинг маданияти намунасидир. Ушбу жанрда ифодаланган сўзлар ва уларга тегишли миф, афсона, урф-одат, анъана, удум, тамойил, рамзлар кабилар ушбу мавзуда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришга ундайди.

Ўзбек дуолари бевосита ислом дини таълимотларига асосланади. Ислом динида пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) дуо ибодат эканлигини айтганлар<sup>2</sup>. Бундан кўринадикки, дуо Худога ибодат мазмунида пайдо бўлган жанрдир. Дуонинг масжид каби диний ташкилотлар ва уларга тегишли диний китобларда дуоларнинг араб ёзувида ёзилиши илоҳий жиҳатдан ўзига хос рамзий маъно касб этади.

Дуоларда Аллоҳнинг исмларининг қўшиб айтилиши дуонинг энг характерли хусусиятидир. Диний китобларнинг гувоҳлик беришича, Аллоҳнинг исмларида Аллоҳнинг сифатлари, фазилатлари ўз аксини топади. Инсонларнинг ўз зикрларида бу исмларни зикр этишни инсон диний оламида камолотга эришишнинг тимсоли деб

<sup>1</sup> Ш.Усманова. Лингвокультурология. Тошкент, 2019, 7-бет.

<sup>2</sup> Мен ҳам намоз ўқийман. Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Т., 2018, 66-бет.

биладилар<sup>3</sup>. Ислом оламида дуо бевосита тасбеҳ воситасида ўқилади. Одатда тасбеҳ доналари сони Аллоҳ исмлари сони билан тенгдир. Қадимдан дуохонлар дуолар ёрдамида туморлар тайёрлашда фойдаланишади. Демак, дуо нутқий жанрида тумор, тасбеҳ кабилар ўзига ҳос рамзлар сифатида аҳамият касб этади.

Дуо бу диний эътиқод рамзи бўлганлиги учун динга қарши кўйилувчи атеизмда кузатилмайди. **Атеизм** – юнонча а – инкор кўшимчаси бўлиб, теизмга қарши, яъни худони, динни инкор этиш, динни, диний таълимотни, худони, умуман, илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш маъносини англатади<sup>4</sup>”. Улар илоҳиётга ишонмаслиги боис дуоларни рад этишади.

Дуо нутқий жанрида *дуо қабул бўладиган вақт ва ҳолатлар* ҳам ўзига хосдир. Дуо қилувчи йил кунлари ичидан Арафа кунини, ойлар ичидан Рамазон ойини, қадр кечасини, ҳафта ичидан Жума кунини, тун соатларидан саҳар вақти дуонинг ижобатлилигини таъминлайди, деган ғоялар мавжуд. Расуллуллоҳ айтадилар: Аллоҳ таоло ҳар кеча, кечанинг охириги 3 дан бири қолганида “Ким менга дуо қилади, мен унга ижобат қилай, ким мендан сўрайди, мен унга сўраган нарсасини берай, ким мендан кечирим сўрайди, Мен уни кечирай, дейди.”.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳу бундай дегани ривоят қилинади: Сафлар Аллоҳ йўлида жипслашганида, ёмғир ёққанида, фарз намозлари адо этиладиган вақтларда осмон эшиклари очилади. Бу айтларда дуо қилишни ғанимат билинг. Мужоҳид айтади айтади: Намоз энг яхши вақтга белгиланган. Шунинг учун намозлардан сўнг дуо қилишни кўйманг. Пайғамбар алайҳиссалом “Азон ва иқомат орасидаги дуо рад қилинмайди”, Рўзадорларнинг дуоси қайтарилмайди, деганлар

Ҳақиқатда, дуолар вақтлар ва ҳолатлар сабабли шарофатга эга бўлади. Зотан, саҳар вақтида қалб соф, ихлосли ва чалғитадиган нарсалардан ҳоли бўлади. Арафа, жума кунлари эса ҳимматлар бирлашадиган, қалблар Аллоҳ азза ва жалла раҳматига бир бўлиб юзланган вақтлардир. Сажда ҳам дуо ижобатига яқин ҳолатлардан. Абу Ҳурайра розияллоху анҳу Расуллуллоҳ САВнинг бундай деганларини ривоят қилади: Банда раббисига энг яқин бўладиган ҳолати сажда қилган вақтидир. Бас, шу вақтда дуони кўпайтиринг. Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Пайғамбар айтдилар Мен руку ёки сажда қилган вақтимда Қуръон ўқишдан қайтарилдим. Рукуда Раббни улуғлангиз, саждада эса дуони кўпайтиринг, у вақт дуоларингиз ижобат бўлишга яқин вақтдир.

Дуо нутқий жанрининг гендер хусусиятлари ҳақида гапирилганда, жаноза дуосида балоғатга етган ўғил ва қиз болалар учун махсус дуолар мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 194 - бет

<sup>4</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 483 - бет



Хулоса қилиб айтганда, дуо нутқий жанри муайян халқнинг ижобий фазилятларини кўрсатувчи нутқий жанр сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дуо нутқий жанри ўша халқнинг муайян турмуш тажрибасига эга, диний эътиқодли, тақводор эканлигидан дарак беради. Дуонинг араб ёзувида ёзилиши, тасбеҳ, тумор кабиларнинг дуода қўлланилиши, дуонинг ўзига хос вақт меъёрлари мавжудлиги, дуохонларнинг ҳолати кабилар дуо нутқий жанрининг экстралингвистик хусусиятлари мавжудлигидан дарак беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.Усманова. Лингвокультурология. Тошкент, 2019, 7-бет.
2. Мен ҳам намоз ўқийман. Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Т., 2018, 66-бет.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 194 - бет